



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (12.211)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги ижроси таҳлил қилинди. Тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари қатнашди.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Фонднинг республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов бошқарган йиғилишда ҳудудий бўлим ва бўлимлар томонидан 2012 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

● Шофиркон саноат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида ўқувчилар яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерга «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан умумий қиймати 43 миллион сўмлик гелиоқурилма ўрнатилди. Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берадиган бу қурилма коллеждаги ўн та компьютерни бемалол ишлатиш қувватига эга. Энг муҳими, ушбу муқобил энергия манбаидан фойдаланиш орқали бир йилда 3 минг киловатт соат электр энергиясини тежаб қолиш мумкин. Гелиоқурилманинг айнан мазкур касб-хунар коллежига ўрнатилиши бежиз эмас. «Бухоро электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тасарруфидоғи ушбу ўқув даргоҳида ёш энергетиклар ҳам тайёрланади. Энди улар ўқув жараёнидаёқ муқобил энергия манбаларини ташкил этиш ва энергиядан оқилона фойдаланиш кўникмаларини янада пухта эгаллайди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон жанубидаги Андхра-Прадеш штати томон ҳаракатланаётган йўловчи поездиди ёнғин келиб чиққан, дейилди «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабариди. Оқибатда 47 киши ҳаётдан кўз юмган, йигирмадан зиёд йўловчи жароҳатланган. Қутқарувчиларнинг таҳминича, ёнғин электр тармоғидаги қисқа тўташув туфайли келиб чиққан бўлиши мумкин.

● Испанияда ишсизлик даражаси рекорд даражага етди. Жумладан, айни пайтга келиб 5,7 миллион киши ишсизлик мақомини олган. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг чорак қисмини ташкил этади. Кескинлашиб бораётган вазият мамлакатда ҳамон таъсири сақланиб турган молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ.

● Италиялик олимлар Лиза Герердини (Мона Лиза) дафн этилган жойни аниқлаш мақсадида Флоренция шаҳридаги Авлиё Урсула монастири ҳудудида археологик қазималар олиб боришаётганди. Тадқиқот жараёнида улар аёл кишининг суяк қолдиқларига дуч келишди. Топилма Лиза Герердинига тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш учун олимлар суякларни ДНК текширувидан ўтказишади. Агар ҳулосалар ижобий бўлиб чиқса, Мона Лизанинг асл қиёфасини тиклашга уриниб кўрилади.

● Намибияда немис олимлари томонидан тўрт ой йилга етадиган ер ости ичимлик суви манбаи топилди. Хабарларга қараганда, чуқурлиги икки юз метрга тенг ушбу манбада беш миллиард куб метр сув мавжудлиги аниқланган. Лойиҳа раҳбари Мартин Куингернинг сўзларига қўра, мазкур топилма жойлашган майдон 2600 квадрат километрга тенг. Олимларнинг айтишича, ушбу сув манбаи майдоннинг катта қисми чўлдан иборат бўлган ва қурғоқчиликдан азият чекиб келаётган мамлакатда иқтисодийни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.



БАЙРАМ НАШИДАСИ

Юртимиз мустақиллигининг қутлуғ 21 йиллиги яқинлашиб келаётган ушбу шуқуҳли кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида байрамодди шодиёналари кенг миқёсда ўтказилмоқда. Шаҳримиздаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам ҳар шанба кунлари мустақиллик айёмига бағишланган кўнгилочар байрам дастури намойиш этилмоқда.

Бу сафарги байрам тадбири Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда эл суйган санъаткорлар, «Нихол» мукофоти совриндорларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Спортнинг турон, таэквандо, ўзбек жанг санъати, бадий ва спорт гимнастикаси ҳамда бокс турлари бўйича кўргазмалар мастер-класслар намойиш этилганлиги ҳам байрам тадбирига ўзгача фойз бағишлади. Бектемир тумани кувонқлар ва зукорлар жамоасининг саҳна чиқишларидан айниқса ёшлар жуда шод бўлишди.

— Бугунги тадбирга турмуш ўртомим ҳамда беш нафар фарзандим билан келдим, — дейди Учпена туманида истикомат қилувчи Равшан Йўлдошев. — Бу каби байрам кечаларини ҳар йили томоша қилгани келаман. Айтиш жоизки, мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилаётган концерт дастурларининг савияси йилдан йилга ошиб бормоқда. Ай-

ниқса, тадбир доирасида уюштирилётган турли йўналишдаги кўргазмалар халқимизга жуда манзур бўлмоқда. Масалан, бугунги Болалар спортини ривожлантириш жамоаси томонидан тайёрланган чиқишлар, ёш спортчиларнинг чемпионлик медаллари, кубоклари кўргазмасини томоша қилган фарзандларим ҳам спорт тўғрисидаги қатнашиш истагини билдиришди.

Тадбир доирасида ташкил этилган «Саломатлик ярмаркаси»да соғлиқни сақлаш тизимида ўтган йилгирма бир йил мобайнида давлатимиз томонидан соҳани ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, соғлиқни сақлаш муассасаларининг замонавий тиббиёт анжуманлари билан жиҳозланиши, етук мутахассислар билан таъминланиши, халқимиз саломатлигини тиклашда эришилаётган ютуқлар намойиш этилди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, айни дамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида 126 та амбулатор-поликлиника ва 41 та стационар муассасалар мавжуд бўлиб, мазкур муассасалардаги 8175 нафар шифокор

ва 18732 дан зиёд ҳамшира, ўрта тиббий ва фармацевт ходимлари Тошкент шаҳрининг 2 миллион 313 мингдан ортиқ аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда.

1990 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,4 ёшгача узайди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими тегишли равишда 3,1 ва 3,2 маротабага камайди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг меъриий-хуқуқий негизларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 14 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 га яқин Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари қабул қилинган аҳоли саломатлигини таъминлашга давлатимиз томонидан қаратилган улкан эътиборнинг яққол намунаси бўлди.

«Саломатлик ярмаркаси»да текширувлардан ўтган фуқаролар ўзлари учун керакли тавсиялар олишди, турли касалликларга қарши курашиш йўллари ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

— Турмуш қурганимизга яқинда 2 ой бўлади, — дейди тадбирга турмуш ўртоғи билан Бухоро шаҳридан келган ёш оила вакили Умид Авезов. — Тошкентга ташрифимиз айнан ана шундай шуқуҳли кунларга тўғри келганидан ва байрам тадбирида иштирок этганимиздан жуда хурсандим. Тадбир доирасида ўтказилган «Саломатлик ярмаркаси» айниқса биз учун қизиқarli бўлди. Чунки бу ерда ёш оилалар учун фойдали тавсиялар, ҳомиладорлик даври билан боғлиқ ҳолатлар, фарзанд саломатлиги юзасидан керакли маълумотлар берилди.

Отабек ОТАЁРОВ
Козим Улмасов
олган суратлар

БАРЧА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда миллати, жинси, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиши, билим олиши, соғлиқни ҳимоя қилиши, дам олиши учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда шароитлар яратилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча жойларида ташкил этилган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари юртдошларимизнинг маданият ҳамда касб-малака даражасини оширишга қаратилган самарали ишларни амалга оширмоқда. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ бундай марказлар Тошкент шаҳрининг барча туманларида ҳам фаолият

кўрсатмоқда. Бу ерда қўшимча билим олиш ёки янги касб эгаллашни истаган ҳар бир одам ариза бериб, сўровнома тўлдирши ва керакли маслаҳатни олиши мумкин. Айниқса, хотин-қизларнинг касб эгаллашга бўлган интилишини ижтимоий қўллаб-қувватлаш фойда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, уларнинг иқтисодий мустақиллиги жамият ҳар жиҳатдан соғлом бўлишининг муҳим омилларидан биридир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо билан суҳбатлашди.

ЧЖАН СЯО: МУСТАҚИЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ВА РАВНАҚИНИНГ САРЧАШМАСИ

— Элчи жаноблари, Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Хитой Халқ Республикасида ушбу ислохотларнинг натижа ва самаралари қандай баҳоланади?

— Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самарасида давлат суверенитети ва хавфсизлиги, миллий иқтисодийни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда улкан ютуқларга эришди. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг илк даврида мамлакатимизда ўз вақтида қўрилган инқирозга қарши чоралар иқтисодий барқарор ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш жараёнини сақлаб қолиш имконини берди. Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастури нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки дунёдаги бошқа қўллаб-қувватлаш учун ҳам ёрдам намуна бўлди. Марказий Осиёдаги нуфузли давлатлардан бири — Ўзбекистон минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Мисол учун, Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида мунтазам фойдаланишдаги саъй-ҳаракатлари халқаро ҳамжамиятнинг хурмат-эътиборига ва эътирофига сазовор бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини катта муваффақиятлар — жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз ўсгани ҳамда юртингиз қишлоқ хўжалиги тарихидаги янги рекорд — 7 миллион 170 минг тонналик улкан ғалла ҳосили олингани билан муборакбод этмоқчиман. Бу ютуқлар Ўзбекистон тараққиёт, демократия ва бозор ислохотлари йўлида барқарор ривожланиб бораётганининг самараларидандир. Президент Ислоҳ Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» нақадар пухта ва самарали эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизнинг ислохотлар йўли нанки Ўзбекистон халқининг туб манфаатларига, балки бутун минтақа ривожига ҳам хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ислохотлар ижтимоий жаҳзалар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришда қандай ўрин тутмоқда?

— Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар аниқ ижтимоий йўналтирилгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Таълим, маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш сингари ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётган давлат харажатлари тўрт баробардан ортиқ ўсиб, йилига 60 фоиздан ошмоқда. Бундай амалиёт дунёда жуда кам учрайди. Булар Ўзбекистон раҳбарияти халқ фаровонлигини юксалтириш ва ижтимоий адолат таъминлашнинг амалга оширишга ҳамда аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадларини кўпайтириш борасидаги муҳим вазифаларга доимий эътибор қаратаётганининг самараларидандир.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

✓ **КЕЧА** Марказий офицерлар саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги яқуни босқичи ҳамда

Умумармия қўшиқлар фестивали бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЕИХ Чилонзор тумани Кенгаши қошида маҳаллаларда иштирок қилувчи ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари учун инглиз тили тўғрисидаги ўз фаолиятини бошлади.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида туманда жойлашган Капитал банк ташкилотиди «Хуқуқий маданият, хуқуқий он» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



РИШОД СОБИРОВ: ГАЛАБАМНИ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

ЛОНДОН, 28 июль. ЎЗА махсус мухбири Зоҳир Тошхўжаев хабар қилади.

XXX ёзги Олимпия ўйинлари Ўзбекистон спортчилари учун омадли бошланди. Мамлакатимиз спорт делегацияси газнасига Лондон Олимпиадасининг дастлабки – бронза медалини дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров келтирди.



Дзюдо беллашувларида дунёнинг бир юз ўттиздан зиёд мамлакатдан тўрт юз нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашмоқда. 60 килограмм вазн тоифасида жаҳон рейтингда етакчилик қилаётган Ришод Собиров мусобақаларни иккинчи даврдан бошлади ва рақиблари – Пекин Олимпиадаси кумуш медал соҳибдори, австриялик Людвиг Пайшер, венецуэллик Хавьер Гuedес, бразилиялик Фелипе Китадага қарши баҳсларда катта устунлик билан галаба қозонди.

Ришод ярим финал баҳсида россиялик Арсен Галстянга кичик ҳисобда имкониятни бой берган бўлсада, бронза медални ўзининг қўлига олишга қодир бўлган. Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритган, Халқаро дзюдо федерацияси мусобақалари тақвимида киритилган «Мастерс», «Катта дубулга», «Гран-при» мусобақаларида зафар кучган.

– Пекин Олимпиадасида бўлгани каби бу Олимпиадада ҳам Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки медални келтирганимдан хурсандман, – дейди Ришод Собиров. – Ушбу галабамни Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлайман. Ҳар бир спортчимиз каби мен ҳам жаҳон майдонларида она Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш имконига истиқлол шарафати билан эришганимни чуқур ҳис қиламан. Президентимиз Ислам Каримов ва халқимиз биз, спортчиларни қўллаб-қувватлаб турганини бир дам ёдимдан чикарганим йўқ. Бу менга кураш майдонида катта қувват берди ва галаба сари илҳомлантирди. Зеро, биз, ёшларни шу даражага етказган озод ва обод Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

БОКСЧИЛАРИМИЗ СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

ЛОНДОН, 30 июль. ЎЗА махсус мухбири Зоҳир Тошхўжаев хабар қилади.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида бокс беллашувлари ҳам қизгин давом этмоқда. 75 килограмм вазн тоифасида 28 нафар боксчи совринли ўринлар учун курашаётди. Ушбу вазн тоифасида кўпчилик муҳлису мутахассислар эътибори икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоевнинг жангига қаратилди.

Совринли ўринга асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган ўзбекистонлик чарм қўлоқ устаси дастлабки жангида марокашлик Бадриддин Ҳаддий устидан 11:9 ҳисобида зафар кучди. Энди Аббос Атоев руминиялик Богдан Юратони билан куч синашди.

– Олимпия ўйинлари каби энг нуфузли спорт мусобақасида биринчи жангни муваффақиятли ўтказиш жуда муҳим, – дейди А.Атоев. – Менинг асосий мақсадим – шу кунгача қўлга киритган совринларим каторига олимпия медалини қўшишдан иборат. XXX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли катнашиб, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига муносиб совға тайёрлашга ҳаракат қиламан.

Олимпия ўйинларида илк мартаба катнашаётган ёш боксчимиз Фазлиддин Фойибназаров ҳам ўзининг жанг услуби билан мутахассислар эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётди. Фазлиддин рингда энгил ва тез ҳаракат қилади. Кутилмаган кучли зарба билан рақибни мураккаб аҳволга солиб қўяди. Фазлиддиннинг дастлабки босқичда рақиб – Африка чемпиони кумуш медал соҳибдори Абдон Мевали (Камерун) ҳам жангда ана шундай вазиятга тушиб қолди.

Ўзбекистонлик боксчи биринчи раундда тажрибали рақиб билан тенгма-тенг курашган бўлса, кейин ҳужумни кескин кучайтирди ва беллашувни 11:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Ф.Фойибназаровнинг навбатдаги рақиб америкалик Хосе Рамирес бўлади.

– Олимпиадада илк бор рингга чиққаним учун бир оз ҳаяжонландим, – дейди Ф.Фойибназаров. – Лекин ҳужумни кучайтириб, галабага эришдим. Мен мана шундай юқори нуфузли мусобақада ўз Ватаним шарафини ҳимоя қилаётганимдан гоё бахтиёрман. Президентимиз Ислам Каримов ва халқимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигига жавобан жаҳон майдонларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Жорий йилнинг 23-28 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида Кураш Халқаро Ассоциациясининг XIII Конгресси ҳамда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Тошкентда матбуот анжумани ўтказилди.

ЎЗБЕК КУРАШИ ДУНЁ НИГОҲИДА

– Жаҳон чемпионатини ўтказишга тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида Кураш Халқаро Ассоциацияси президенти Комил Юсупов бошчилигидаги делегация Борнмут шаҳрида бўлиши, – дейди тадбирда КХА бош қотиби Умид Ёқубов. – Ташриф чоғида делегация чемпионат ўтказиладиган Жанубий Англиядаги етакчи ўқув муассасаларидан бири – Рочестер коллежидан янги барпо этилган «Рой Мур» спорт мажмуасида яратилган шартлар билан яқиндан танишди. Бу ерда Буюк Британия Кураш ассоциацияси раҳбарлари ва коллеж директори Дебби Годфрей-По хоним билан учрашув ҳам ўтказилди. Борнмут шаҳри мэри Филип Стэнли-Уотс Кураш бўйича жаҳон чемпионатининг Борнмут шаҳрида ўтказилиши улар учун катта шараф эканлигини таъкидлаб, ушбу нуфузли мусобақани ташкил этиш ва ўтказишда ташкилий қўмитага етарлича қўмак беришини эътироф этди.

кстоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда махсус маданий дастур ҳам ташкил этишди. Бу британияликлар ва чемпионат иштирокчиларига Кураш Ватани – Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати ҳамда миллий ошхонаси билан яқиндан танишиш имконини беради.

Тадбирда таъкидланишича, кураш оламидаги яна бир муҳим воқеа жорий йилнинг июль ойида Конго Республикасида бўлиб ўтди. Конго пойтахти Браззавил шаҳрида кураш бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Африка чемпионати ўтказилди. Мазкур чемпионат юқори савияда ташкил этилиб, унда 20га яқин давлатлар иштирок этди. Мусобақалар мамлакатнинг барча ОАВ ва миллий телевидениеси орқали кенг ёритилди.

Тадбирда КХА нинг бош қароргоҳида ташкил этилган музей ҳақида батафсил маълумот берилди. Музей жорий йилнинг май ойида очилган бўлиб, бу ерда мамлакатимиз спортчилари қўлга киритган ютуқлар, совринлар ва 21 тадан ортиқ тилларда чоп этилган ўзбек кураши ҳақидаги китоблар жой олган.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Спорт янгилıkları РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан дунё мамлакатлари чемпионатларининг июль ойидаги янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Қувонарли жиҳати шундаки, унга кўра Ўзбекистон профессионал футбол лигаси 35-ўринга лойиқ кўрилган. Шуниси аҳамиятлики, ушбу рейтингга кўра мамлакатимиз чемпионати Россия премьер-лигаси ва Украина чемпионатларини ортада қолдирган.

кейинги ўринларни Саудия Арабистони, Эрон, Япония, Қувайт, Австралия, БАА эгаллаган.

Рейтинг жадвалининг энг юқори поғонасида жаҳон ва Европа чемпиони Испания бораётган бўлса, кучли бешликдан Аргентина, Бразилия, Англия, Италия чемпионатлари жой олган.

Бразилияда уюштирилган жаҳон чемпионатида иштирок этишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 12 октябрда яна бир ўртоқлик баҳсида куч синашадиган бўлди.

Футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири ҳал қилувчи тўртинчи босқичнинг Ўзбекистон-Жанубий Корея терма жамоалари ўртасидаги учинчи тур беллашуви олдидан Ўзбекистон футбол федерацияси қошидаги терма жамоалар билан ишлаш маркази ташаббуси билан Иордания ҳамда Қувайт терма жамоаларига қарши Миржалол Қосимов шогирдларининг ўртоқлик учрашувида куч синашиши ҳақида хабар берган эдик.

Гап шундаки, 16 октябрда Қатар пойтахти Доха шаҳрида Каттар-Ўзбекистон миллий терма жамоалари жаҳон чемпионати саралаш турнири тўртинчи босқич тўртинчи тур беллашувида ўзаро куч синашишди. Ушбу муҳим учрашув олдидан эса Миржалол Қосимов шогирдлари 12 октябрь кунини айнан Доха шаҳрига сафар қилишди ва у ерда Ироқ-Ўзбекистон терма жамоалари назорат-ўртоқлик учрашувида ўзаро беллашди. Эслатиб ўтамиз, шу кунга қадар Ўзбекистон ва Ироқ терма жамоалари 5 марта ўзаро куч синашишган, шундан учтасида

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ДОҲАГА БОРАДИ

терма жамоамизнинг қўли баланд келган, бир ўйинда ироқлик чарм тўп усталари зафар кучган. Дарвоқе, томонлар битта ўйинда муро-са йўлини танлашган. Тўплар нисбати Ўзбекистон фойдасига. 6:4

Ниятимиз терма жамоамиз жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичидаги қолган учрашувларда фақат галаба қозониб муҳлислари кўнглини хушнуд этса.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ТОШКЕНТ ОКШОМИ»
ва «ВЕЧЕРНИЙ
ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?
Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?
Унда шошилиб таваккал қилманг.**

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-ишоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига кўнгирик қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақлик нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотишини сафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Унутманг! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

**ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД
ДОНО БИГУР**

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Яхшилик тўғринча, ёмонлик ўғринча бўлади.

Эшикни очиб ёпганидан ҳам кишининг қандай кайфиятдалигини билса бўлади.

Дононинг бутун вужуди нур, нодонники зулмат.

Жаҳолатга боғтаннинг маърифатга тоби йўқ.

Ўзига ишонмагани хоҳлаган киши хоҳлаган мақомига ўйнатади.

Қаноатлининг шукронаси ношукрнинг ибодатидан афзал.

Ташвишнинг кўплиги вақтни унуттиради.

Бўлмайдиган ишни ўйлаб ҳам ўтирма.

Майда иш одамни эзиб юборади.

Яхши кўринган нарса кўпинча алдамчи бўлади.

Интизом йўқ ерда ишнинг самараси бўлмайди.

Ўзини иш билан овутиган ютади.

Ҳамма яхшининг атрофида тўпланади.

Ишлар қалашиб кетса, дарҳол асабийлашиш эмас, уларни битта-битта ҳал қилиш керак.

Ҳар бир киши бир нарсага берилган бўлади.

Тафаккур машқи – энг оғир машқ.

Ҳар қандай сабрнинг ҳам чегараси бўлади.

Ҳаммада бир устунлик бўлади.

Инсон ҳамиша ўзига юқори баҳо беради.

Айбдорлик туйғуси ишлашга ундайди.

Иши битгандан узоқ юр.

Жиддийликни қабул қилиш қийин.

Билган бошқа, қилган бошқа.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

33–35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиллишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўтайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 1 август кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секундига 7–12 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 19–21, кундузи —